

# **Термиз туманида футбол бўйича дҲХ кубоги мусобақалари бўлиб ўтди**



Термиз туманидаги болалар спорт мактаби ҳамда "Марварид" соғломлаштириш маскани мини стадионларида тумандаги 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кубоги учун спортнинг мини - футбол ва футбол турлари бўйича Термиз туман саралаш босқич беллашувлари бўлиб ўтди.

III-босқичда ўтказилган мазкур беллашувларга тумандаги 30 та жамоадан 924 нафар ҳаваскор ёшлар қамраб олинди.

Қизиқарли ва шиддатли кечган баҳс натижаларига кўра мини футбол бўйича ўғил болалар ўртасида

"Нурафшон",

"Гулистон",

"Янгиер" маҳалласи ёшлари

Қиз болалар ўртасида

"Амир Темур"

"Янгиер" маҳалласи жамоалари

Катта футбол мусобақаларида

"Учқизил",

"Қўнғирот",

"Истиқлол" жамоалари фахрли ўринларни қўлга киритиши.